
ҚУВАСОЙ ШАҲРИДА СИНОВ ТАРИҚАСИДА ХОНАДОНЛАРДА ПАРРАНДА БОҚИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Қувасой шаҳрида паррандачилик йўналишида фаолият олиб бораётган “Қувасой насли парранда” МЧЖда бўлди.

Мазкур паррандачилик корхонасида 90 нафардан зиёд қувасойликлар бандлиги таъминланиб, улар томонидан 350 минг бошдан ортиқ парранда шундан, 80 мингга яқини гўшт ишлаб чиқариш, қолгани эса тухум етиштириш учун парваришланмоқда. Йиллик қарийб 60 миллион дона тухум ишлаб чиқариш қувватига эга.

Парранда боқиш жараёнлари билан таништирган корхона раҳбари Тохиржон Турғунбоев, ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида инновацион технологияларни жорий этишга эътибор қаратиб, паррандаларни сўйишга мўлжалланган замонавий комплекс барпо этаётгани ҳақида маълум қилди. Бу орқали маҳсулот ҳажмини ошириш ҳамда хорижий бозорларга кенгроқ кириб боришга имконият яратишилиши қайд этилди.

Шу жойда Дўстлик маҳалласи еттиликка бир қатор вазифалар ҳам белгилаб берилди. Товуқларни хонадонларда боқишни йўлга қўйиш кераклиги айтиб ўтилди. Парранда боқишга қўйилган талаблар асосида жой тайёрланиб, синов тариқасида маҳалладаги 10 та хонадон танлаб олинди, ушбу хонадонларда парранда боқиш йўлга қўйилади. Кутилган натижа бергандан сўнг уни кенг оммалаштирилиши таъкидланди.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров шаҳарда бундай тажрибани кенгайтириш, аҳоли турмуш шароитларини яхшилаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун фуқаролар бандлигини таъминлаш муҳим масала эканлигини таъкидлаб, секторлар раҳбарларига кўрсатма ва топшириқлар берди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-02-24 22:51:28